

## КАСБИ ЎЗ НОМИГА МУНОСИБ ИНСОН

*Гўзалхон Валиева*

*Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат*

*Музейи илмий ходими*

Ҳар бир ижодкор рассом борликни ўзи анлагандек тасаввурини акс эттиради. Борлиқ кўйнида туриб, уни мўйқалам орқали ифодалайди. Унинг нозик ифодаларида рангларнинг чексиз жилolari, рассомнинг беғубор олами уфуриб туради. Намангандан ҳам жуда кўплаб иқтидорли рассомлар етишиб чиққан. Уна шулардан бири Ҳайдарали Усмановдир Иқтидорли рассом Ҳайдарали Усманов 1960 йилда Наманган тумани Ирвадон қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилади. Унинг ижоди мактаб партасидан бошланиб, қатор болалар журналларида ижодий ишлари босилиб чиқади. У мактабни тугатгач Республика тасвирий санъат мактабига, сўнгра Тошкентдаги Маннон Уйғур номли театр-рассомчилик олийгоҳида таҳсил олади. Ҳайдарали Усманов атоқли рассом Р. Аҳметовдан зўр шижоатгайрат билан рассомчилик сирларини ўрганади. 1987-йилда Наманган бадий фондида ижодкор рассом бўлиб ишлай бошлайди. 1988-йили Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг Наманган бўлимига раис этиб сайланди Ҳ. Усмановнинг шоҳ асари 1981-1989 йиллар орасида яратилган. “Совчилар асари бўлиб, уларда ўзбегимнинг ўзига хос бўлган ибo,ҳаё ва нафосат гўзаллиги билан ёритилган. Ушбу учликда ўзбек халқи тўйларининг ўзига хос анъаналари, урф ва қадриятлари ҳам ўз ифодасини топган.

1988-йили Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг Наманган бўлимига раис этиб сайланди Ҳ. Усмановнинг шоҳ асари 1981-1989 йиллар орасида яратилган. “Совчилар асари бўлиб, уларда ўзбегимнинг ўзига хос бўлган ибo,ҳаё ва нафосат гўзаллиги билан ёритилган. Ушбу учликда ўзбек халқи тўйларининг ўзига хос анъаналари, урф ва қадриятлари ҳам ўз ифодасини топган.

Ҳозирги кунда унинг бир қатор асарлари Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи кўрғазмаларини бежаб, кўркига –кўрк кўшиб турибди. Музейга ташриф буюрган томошабинлар санъат кўрғазмалар залини айланар эканлар беихтиёр Ҳайдарали Усмановнинг асарлари олдида тўхтаб қоладилар, бу албатта бежизга эмас. Асарлари инсонда катта тассурот қолдиради. “Говасой манзараси”, “Нанай манзараси” “Совчилар”, “Кутиш”, “Она” кабилар ҳар бир чизги детал, нур ва соялар, ранглар уйғунлиги, ҳаққонийлиги, табиатан қандай бўлса шундайлигича тасвирланганлиги билан кишини лол этади. Энг муҳими мусаввирнинг ҳар бир асарида тасвирланган

ҳолат инсон билан табиат ўртасида учраб турадиган баъзи номутаносибликларни йўқотиб юборишдек моҳирлик билан акс эттирилганлиги гувоҳи бўласиз. Ижодкорнинг ижод намуналари заминида Ватан деган ҳайқирикни эшитгандек бўласиз ёки бу рассомнинг асарларидан унинг ватанга бўлган мухаббатини нақадар чексиз эканлигини тушунасиз. Касби ўз номига муносиб бўлган бу инсоннинг асарлари бир қатор давлатларда жумладан Россия, АҚШ, Франция, Германия, Италия, Туркия, Малазия, Латвия, Марокаш ва бошқа жойларда намойиш этилган. Хаттоки 1991-йилда Туркияга ташриф буюрган бир сайёҳ Ҳайдарали Усмановнинг “Кушонда тонг” асарини катта нарҳда сотиб олган. Ҳамюртимиз шу тариқа истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ўта муҳим касб этган Ўзбекистонни жаҳонга танитишдек шарафли вазифага муносиб ҳисса қўшган. Урду ҳамда Геросин шаҳарларидаги шунингдек А. Студия” ва “Лара” санъат галарейларида ташкил қилинган халқаро шахсий кўргазмаларда унинг ижоди юқори баҳоланган. Натижада рассомнинг 270 дан ортиқ асарлари юқорида тилга олинган давлат музейлари ҳамда шахсий коллекционерлар хазиналаридан муносиб ўрин олган. Рассомнинг 1997 йили Анқарада ўтказилган 3- Халқаро кўргазмада 36 мамлакатнинг ранг-тасвирчилар орасида биринчи ўринни эгаллаганлиги ҳам бежизга эмас, Анқарада чиқадиган “Пойтахт тонги” газетасида Ҳайдарали Усмановга бағишланган мақола эълон қилиниши ҳамда Туркия телевидениясида унга бағишланган бир эмас учта кўрсатув намойиш этилиши ҳам таҳсинга лойиқдир. У санъатда нималарни қўлга киритган бўлса, ўз маҳорати, касбига бўлган мухаббати билан эришди. 1996 йили ижодкор меҳнати муносиб баҳоланиб, Бобораҳим Машраб мукофотиغا сазовор бўлди.

Ҳайдарали Усманов 1997 йилдан Ўзбекистон Бадий Академияси ижодкорлар уюшмасига аъзоси,. 2001 йили “Энг улуғ, энг азиз” Республика кўрик танловининг ғолиби бўлди Шавқатсиз ҳаёт 2015 йил август ойида 55 ёшида рассомни орамиздан олиб кетди 2016 йил 5-апрелда музейда рассом хотирасига бағишлаб “Суратлар тилга кирганда” номли рассомнинг сўнги йилларда яратган асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Асарларига кўз нури, қалб кўрини қўшиб яратиб ўзи ҳам ҳамюртлари қалбидан муносиб ўрин олган ранг –тасвир устаси Ҳайдарал Усманов билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бундай инсонлар ҳамиша қалбимизда қолади. Охиратлари обод бўлсин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Наманган ҳақиқати газетаси 2018й.
2. А. Азизов Мозий сабоқхонаси
3. Интернет сайти